SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2003-YIL ■ 17-APREL ■ PAYSHANBA ■ 49 (27.069) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР — МИЛЛАТ ҒУРУРИ, МАМЛАКАТ ТАЯНЧИ

Юрак тўридаги тилак

— Ватанни фақат севиш камлик қилади. Унинг равнақи учун яхши ўқиш, етук мутахассис бўлиб етишиш зарур! — дейди Токиода таълим олаётган иқтидорли ёшларимиздан бири Ўткиржон МУЙСИНАЛИЕВ.

У 1978 йилда Наманган вилоятининг Поп туманида туғилган. Аввал 1-ўрта мактабда, сўнгра С. Сирожиддинов номли физика-математика лицей-интернатида таълим олди. Ўткиржон 1996-2000 йиллар давомида Тошкент давлат иқтисодиёт университетида ўқиди.

2000 йилдан бошлаб республика Марказий банки валютани тартибга солиш ва ташқи алоқалар Департаментига ишга қабул қилинди. Бошқарма бошлиғи ўринбосари, бўлим бошлиғи лавозимларида фаолият кўрсатди.

2002 йил октябрь ойидан бошлаб Японияниг сиёсий фанлар Миллий институти магистратурасида таҳсил олмоқда.

Биз узоқ Токиода таълим олаётган юртдошимиз Ўткиржон билан телефон орқали боғландик.

Тошкент вақти билан кечки соат 8.00. Рақамларни терар эканман. Ўткиржоннинг онаси Мақсуда опанинг сўзлари ёдимга келди.

— Ўғлим тунги 12-1 гача дарс қилади. Бемалол қўнғироқ қилаверинг.

— Алло, Ўткиржон...

— Ассалому алайкум.

— Ваалайкум ассалом!

— Тошкентдан қўнғироқ қилаяпсизми?

— Ҳа, газетага сиз ҳақингизда ёзмоқчи эдим. Шунга...

— Раҳмат. Мен Япония ҳукуматининг Осиё мамлакатлари учун мўлжалланган «Ўтиш даври иқтисодиёти» дастури бўйича танловда қатнашиб, грант соҳиби бўлдим. Мана, олти ойдан бери Токиода таълим олаяпман. Ўқув дастурлари жуда мураккаб, фанларни ўзлаштириб олиш учун ҳаракатдаман. Айни дақиқаларда ҳам китоб ўқиётган эдим. Ҳар куни уч соатча дарс бўлади. Шундан сўнг, кутубхоналарда ўқув адабиётлари билан ишлайман. Талаб жуда қаттиқ. Мен қўшимча равишда Японияниг молия тизими, банк соҳаси, иқтисодий ривожланиш тарихи, бозор муносабатлари ҳақидаги маърузаларни тинглаб, ўқув адабиётлари билан танишаяпман. Бундан ташқари, япон тили бўйича ҳам дарслар олиб борилади.

— Япон халқининг маданияти, тарихига ҳам қизиқаяпсизми?

— Токиода музейлар кўп. Бўш вақтларимда шаҳарни айланаман. Тарихий обидаларни томоша қиламан. Шаҳар жуда гўзал. Қишин-ёзин кўм-кўк. Тез-тез ёмғир ёғади. Бироз ўтиб қуёш чарақлаб кетади.

— Магистрлик ишингизни ёзиб тугатдингизми?

— Менинг мавзуим пул-кредит сиёсатини амалга оширишда аҳолининг пулга бўлган талабини ўрганишдир. Илмий маслаҳатчим профессор Ж. Роудс. Ҳозир илмий-тадқиқот ишимни тугатиш арафасидаман. Июль ойида ҳимоя қиламан. Бозор иқтисодиётига ўтишда мамлакатларда қандай жараёнлар рўй бериши, иқтисодий сиёсат олиб боришнинг ўзига хос томонлари, ислоҳотларнинг аҳамияти тўғрисида бир неча илмий мақолалар тайёрладим. Японияда кичик ва ўрта бизнес жуда ривожланган, унинг механизмини, ички хусусиятларини ўрганаяпман.

— Юртдошларимизга тилакларингиз?

— Ўзбекистоннинг ҳавосини, танти одамларини жуда соғиндим. Тенгдошларим яхши ўқиб, сидқидилдан меҳнат қилишларини истайман. Айтганча, мен сизларга Токиодаги янгиликлар ҳақида ёзиб турсам майлими?

— Албатта.

— Қўнғироғингиздан бошим осмонга етди...

Суҳбатдош: Фарруҳ ҲАМРОЕВ

✧✧✧

Турғунбек МАҲКАМОВ олган сурат

ХДП ХАБАРИ

Таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди

2003 йилнинг 16 апрель куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ва Олий Мажлисдаги фракцияси ҳамкорлигида «Ўзбекистонда парламент ислоҳоти ва сайловларнинг қонунчилик-ҳуқуқий негизини такомиллаштириш масалалари» мавзуида «давра суҳбати» бўлиб ўтди. Унда партиянинг Олий Мажлисдаги фракцияси, Марказий Кенгаш Экспертлар гуруҳи аъзолари, партия фаоллари, сиёсатшунос ва ҳуқуқшунос олимлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этдилар.

Йиғилишни Ўзбекистон ХДП МК котиби, Олий Мажлисдаги партия фракцияси раиси Изидор Кочмарик олиб борди.

Олий Мажлиснинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Нурдинжон Исмоилов парламентнинг XI сессияси муҳокамасига янги таҳрирда киритилаётган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида маъруза қилди.

Тадбир иштирокчилари томонидан мамлакатимиздаги парламент ислоҳоти ва сайловларга оид амалдаги қонунларни такомиллаштириш зарурияти, ҳозирги замон демократик мамлакатларидаги эркин ва ҳалол сайловларнинг халқаро мезонлари каби масалалар кўриб чиқилди, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрири лойиҳаси бўйича аниқ таклифлар билдирилди.

Навбатдаги инсонпарварлик ёрдами

Германиянинг «Friedensdorf International» халқаро хайрия ташкилоти томонидан инсонпарварлик тиббий ёрдами доирасида Ўзбекистонга навбатдаги юк жўнатилди.

Ушбу инсонпарварлик юки «Соғлом авлод учун» жамғармасига юборилган бўлиб, республика болалар шифохоналари ва мехрибонлик уйларини жиҳозлаш учун мўлжалланган.

Умумий вазни 12 тоннага яқин ва қиймати 100 минг евро миқдоридаги мазкур юк таркибида тиббий ускуналар, кийим-кечаклар ва пойабзаллар бор.

Аслам АКБАРОВ, «Жаҳон»АА, *Берлин.*

Демократик тараққиёт муаммолари

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашида сиёсий семинар бўлиб ўтди.

ХДП МК, Тошкент шаҳар ва пойтахт туманлари кенгашлари котиблари, масъул ходимлари, партия фаоллари, Олий Мажлиснинг қатор депутатлари, сиёсатшунослар, ижтимоий фанлар ўқитувчилари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган ушбу семинарда Россия Иқтисодиёт, сиёсат ва ҳуқуқ илмий текшириш институти шўъба мудири, профессор С.Г.Кара-Мурза маъруза қилди. Москвалик меҳмон ўз марузасини **«Шўролардан кейинги майдонда эврилиш: истибдодий тузумдан замонавий маърифатли демократия сари»,** деб номлади. Мавзу бўйича бўлиб ўтган мулоқотда шўролар истибдодий тузуми емирилишидан кейин ташкил топган давлатларда демократик жамият қуриш, бу йўлда учраётган қийинчиликларни бартараф этиш, шу соҳадаги халқаро тажрибадан оқилона фойдаланиш каби масалалар юзасидан баҳс-мунозара бўлиб, уларни атрофлича таҳлил этишга оид турли-туман фикр мулоҳазалар билдирилди.

Ўзбекистон ХДП МК биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов семинар ишига якун ясаб, ушбу тадбирнинг ахборот алмашуви ва партия фаоллари билимлар доирасини кенгайтиришга хизмат қилишини қайд этди.

Семинар ишида Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Д.Б.Рюриков иштирок этди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН

«British Airways»: эрталаб Тошкентда, пешинда Лондонда

«Интерконтинентал» меҳмонхонасида «British Airways» («Британия ҳаво йўллари») авиакомпаниясининг Ўрта денгиз йўналиши деб аталувчи қатновларни бажараётган «Бритиш Медитерениан Эйрвейс» компанияси вакилларининг матбуот анжумани бўлиб ўтди. Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашув компаниянинг Тошкент — Лондон — Тошкент йўналиши бўйича мунтазам қатновларни йўлга қўйганлигига бағишланди. «Британия ҳаво йўллари»нинг мамлакатимиз пойтахтидан Лондонга парвози шу йилнинг 1 апрелидан бошланди. Ҳозир ушбу йўналишдаги қатновлар ҳафтасига уч марта — душанба, пайшанба, жума кунлари бажарилмоқда.

«Британия ҳаво йўллари»нинг маркетинг ва алоқалар бўйича менежери Жоул Воткинснинг таъкидлашича, Лондон йўналиши йўловчилар учун жуда қулай бўлиб, қатор афзалликларга эга. Чунончи, Хитроу аэропортида йўловчилар жаҳон авиакомпанияларининг ягона шахобчаси альянси хизматларидан фойдаланишлари ва 500 дан ортиқ йўналишга ўтишлари мумкин. Матбуот анжуманида таъкидланганидек, Ўзбекистонга бўлган қизиқишнинг тобора ошаётганлиги янги авиайўналишнинг очилишига сабаб бўлганди.

Учиш ва қўниш вақти йўловчилар учун жуда қулай. Эрта тонгда Тошкентдан бошланган парвоз пешинда Лондонда якунланади. «Бритиш Медитерениан Эйрвейс»нинг парвозлари «А-320» ва «А-321» аэробусларида амалга оширилади, йўловчилар бизнес ва иқтисодий класслардан фойдаланишлари мумкин. Дарвоқе, авиакомпания ҳозирги пайтда Лондоннинг Хитроу аэропорти тўртинчи терминалидан 12 йўналиш бўйича парвозларни амалга оширмоқда. Энди парвозлар жадвалидан мамлакатимиз пойтахти Тошкент ҳам ўрин олди. «Британия ҳаво йўллари»нинг тижорат бўйича менежери жаноб Кошиф Содиқ мустақил Ўзбекистон аҳолисига авиакомпания хизматидан фойдаланиш имконияти тақдим этилишидан мамнун эканлигини билдирди. Биз Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти билан сиёсий ва иқтисодий алоқаларини мустаҳкамлашга ўз ҳиссамизни қўшишдан бағоят мамнунмиз, деб таъкидлади у.

Алишер РЎЗИЕВ

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

«Арава» жойидан қўзғалди, бироқ...»

Газетанинг шу йил 11 март сонида чоп этилган «Арава» жойидан қўзғалди, бироқ...» сарлавҳали мақолада «Жиззахгўштсутсаноат» ҳиссадорлик жамияти бирлашмасидаги камчилик ва нуқсонлар, муаммолар, кадрлар қўнимсизлиги ҳақида гап борганди.

Ушбу мақола юзасидан тегишли жавоб олинди.

...Уюшма мутахассислари ушбу мақолада кўтарилган мавзуни жойида ўргандилар. Мақола юзасидан ўтказилган умумий мажлисда «Ўзгўштсутсаноат» уюшмаси раиси муовини Б.Нурмуҳамедов, гўшт саноати бошқармаси бошлиғи З.Нуртоев, сут саноати бошқармаси бошлиғи Е. Рашитходжаев, ташқи иқтисодий алоқалар бошқармаси бошлиғи И.Земсковалар, «Жиззахгўштсутсаноат», «Жиззахгўшт» ва «Жиззахсут» корхоналари жамоаси иштирок этдилар.

Мавжуд камчиликларни, муаммоларни бартараф этиш учун тадбир ишлаб чиқилди ва жавобгар шахслар белгиланди. «Жиззахсут» корхонасида қозонхона ва компрессор цехларидаги ёрдамчи асбоб-ускуналарнинг техник ҳолатлари синчиклаб кўздан кечирилиб, мавсумга тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди.

Чорвадорлардан шартнома асосида тирик мол харид этиб, давлат буюртмасига кўра, заҳирага гўшт етказиб берилмоқда.

Деҳқон-фермер хўжаликларидан ва аҳолидан сут хомашёсини харид қилиш учун шартномалар тузилмоқда.

«Жиззахсут» корхонасида сут маҳсулотлари ва ёғсиз, қуруқ сутдан пастеризацияланган сут ва қатиқ тайёрлаш учун мавжуд қувватларни қўшимча технологик асбоб-ускуналар билан комплектлаб, ишга тушириш, «Жиззахгўшт» корхонасида эса турли колбаса маҳсулотларини тайёрлаш технологик линиясини йўлга қўйиш чоралари кўрилди. «Жиззахгўштсутсаноат» компанияси корхона ва ташкилотлари фаолияти уюшма мутахассислари томонидан доимий назоратга олинди.

Ўзбекистон Республикаси гўшт ва сут саноати давлат акциядорлик уюшмаси раиси М. ХОЛОВ

Агросаноатчилар йиғини

Наманган вилояти ҳокимлигида бўлиб ўтган кенгаш қишлоқ хўжалиги тармоқларида ислоҳотларнинг бориши, экин-тикин мавсумига доир юмушлар аҳволи, 2003 йил деҳқончилиги билан боғлиқ долзарб масалаларга бағишланди.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков бошқарди.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда соҳага алоқадор республика ташкилотлари раҳбар ва мутахассислари вилоятда бўлиб, ўрганиб чиққан мавжуд аҳвол таҳлили шуни кўрсатдики, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, самарадорлигини ошириш, қишлоқда турмуш фаровонлигини юксалтириш йўлида муайян саъй-ҳаракатлар билан бир қаторда ғалла парвариши, ўрим-йиғимга тайёргарлик, боғ-ҳа деҳқончилик юмушларида жиддий хато ва камчиликлар ҳам учрайди. Кенгашда сўзга чиққанлар ана шу муаммоларни бартараф этиш чоралари ҳақида гапирдилар.

Йиғилишда вилоят ҳокими Т.Жабборов қатнашди.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ

ХАЛҚАРО КЎРГАЗМА

Пойтахтимиздаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида «Соғлиқни сақлаш — TIHE 2003» деб номланган 8-Тошкент халқаро кўргазмаси ўз ишини бошлади. Мазкур кўргазмани Буюк Британиянинг ITE Group PLC ва унинг Ўзбекистондаги ҳамкори Itesa-Osiyo компанияси ташкил этди. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва «Тибмаҳсулот» акциядорлик жамияти уни ўтказишда расмий кўмак бермоқда.

Кўргазмада дунёнинг 18 мамлакатидан 50 дан ортиқ компания, хусусан, «Hayat tibbi aletler» (Туркия), «Карл Шторц» (Германия), «IGT Pharm trading LLC» (АҚШ), «Labix diagnostics LTD» (Буюк Британия), «Randaxy laboratories LTD» (Ҳиндистон), «Krokus Lyuks» (Россия) каби ва бошқа компаниялар иштирок этмоқда.

Ушбу кўргазма тиббиёт мутахассислари эътиборига янги лойиҳалар, маҳсулотлар ва технологиялар ҳавола этган ҳолда мамлакатимизнинг мазкур соҳасини ривожлантиришга ёрдам беради.

Масалан, Голландиянинг «Филипс» компаниясининг «Филипс тиббиёт тизимлари» бўлинмаси тиббиёт ускуналари ишланмаси ва уларни ишлаб чиқиш билан шуғулланади. Чунончи, кўргазмада «Филипс» компанияси компьютер ва магнит-резонанс томографияси тизимлари, ангиографик рентген-тизимлар, кардиологик, монитор, ультратовушли ташҳис тизимлари, позитор-эмиссия томографлари сингари кенг кўламдаги тиббиёт техникаси ҳамда ядро тиббиёти учун асбоб-ускуналарни таклиф этмоқда.

Ҳ.СОДИҚОВА, ЎзА мухбири

Суратларда: кўргазмалардан лавҳалар

Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

САБОҚ

Дунёнинг ишлари ғалатдир, билсанг,
Сени кўзга илмас — сен кўзга илсанг.
Ёмонлик шу заҳот қайтади, аммо
Кутма жавобини, яхшилик қилсанг.

Абдулла ОРИПОВ, 2003 йил 31 март

Миллий буюмлар океан ортида намойиш этилади

НУКУС, (ЎзА мухбири Аминбой ОРТИҚБОЕВ). 17-21 апрель кунлари Вашингтонда «Ўзбекистон музейлари дурдоналари» деб номланган кўргазма ташкил этилади. Океан ортида — Ўзбекистон элчихонасида бўлиб ўтадиган ушбу санъат байрамида Ўзбекистон Республикаси Давлат санъат музейи, Самарқанд музей-қўриқхонаси, И.Савицкий номидаги Қорақалпоғистон давлат санъат музейи экспонатлари намойиш этилади.

— Музейимиз коллекциясидан гиламлар, ўтов безаги — оқ басқур, қизил басқур, шунингдек, аёллар кийим-кечаклари — кўк кўйлак, киймешек, қизил жегде, оқ киймешек, оқ жегде каби либослар танлаб олинди, — дейди Қорақалпоқ санъат музейи директори М.Бобоназарова.

Коллекциялар Американинг Филадельфия, Индианаполис, Лос-Анжелес ва Сиэтл каби шаҳарларида ҳам намойиш этилади.

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ

BANK XALQ BANKI

БИЗНЕС БАНК ЭНГ ЯХШИ АНЪАНАЛАРДА

BUSINESS BANK

Ўзбекистон — ЕТТБ: кўламдор тадбирлар

ТОШКЕНТ МУҲИМ ХАЛҚАРО ВОҚЕА — ЕВРОПА ТИКЛАНИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ БОШҚАРУВЧИЛАРИНИНГ XII ЙИЛЛИК АНЖУМАНИГА КАТТА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРМОҚДА

ЕТТБ бошқарувчиларининг йиллик йиғилиши тадбирлари дастури шу йил 3 майда, кунининг иккинчи ярмида Ўзбекистон Республикасининг **Инвестицион Форумини** ўтказиш билан бошланади. Унда мамлакатнинг инвестицион салоҳияти ҳамда Марказий Осиё давлатлари иқтисодий ҳамкорлигини янада ривожлантириш истиқболларига бағишланган катта **тақдимот маросими** ўтказилади.

Ўзбекистоннинг иқтисодий, инвестицион ва экспорт салоҳияти билан бевосита танишиш мақсадида, йиғилиш доирасида 2 майдан бошлаб иқтисодиётнинг илғор соҳалари, қўшма корхоналар, кичик ва ўрта бизнес соҳаларига тааллуқли **экспозициялар кўргазмаси ҳам** бўлиб ўтади. Британиянинг «ITE Group plc» компанияси билан ҳамкорликда 6-8 май кунлари 50 дан ортиқ илғор хорижий компаниялар иштирокида нефть ва газ салоҳиятини ривожлантиришга бағишланган халқаро кўргазма ва **конференция** ташкил этилади.

Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банки бошқарувчилари Кенгашининг XII йиллик йиғилиши расмий дастури ўзида умумий йиғилиш ва Бошқарувчилар кенгаши ҳамда **Бизнес анжуман** ўтказилишини ҳам назарда тутади. Анжуман давомида Банк фаолияти доирасига кирувчи 27 мамлакатнинг **тақдимоти** бўлиб ўтади.

Инвестицион иқлим, регионал савдо ва глобаллашув, унумли бизнес юритиш, кичик ҳамда ўрта бизнесни ҳимоялаш ва қўллаб-қувватлаш, сув заҳираларидан фойдаланиш ва ҳимоя қилиш масалалари юзасидан **олтита семинар** ўтказиш ҳам режалаштирилмоқда.

ЕТТБ ҳамкорлигининг муҳим йўналишларидан бири — хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш ва молиялашдан иборат эканлигини эътиборга олиб, Банк томонидан Швейцариянинг иқтисодий алоқалар давлат котибияти, Ўзбекистоннинг тижорат банклари ва суғурта компаниялари билан ҳамкорликда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш соҳасидаги энг яхши лойиҳа учун **танлов** эълон қилинади.



Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш бўйича янги инвестицион лойиҳаларни амалга оширишни мақсад қилган барча хоҳловчилар танловда иштирок этиш учун таклиф этилади. **Ғолиблар** учун нафақат кредит олиш, айни пайтда уни олиш шартлари ҳам қулайлаштирилади. Жумладан, уларга **қимматли совғалар** ҳамда **бепул суғурта хизматлари** кўрсатилишини таъминлайдиган **сертификатлар** берилади.

Танлов якунлари ЕТТБ йиғилишини ўтказиш чоғида эълон қилинади. Бизнес соҳасида илк фаолиятини бошлаган тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш доирасида ЕТТБ Марказий Осиё мамлакатлари **хусусий тадбиркорларидан 200 тасига** банкнинг Бизнес анжуманида ва ЕТТБ йиғилишларининг бошқа тадбирларида **бепул иштирок этиш имконияти** яратилади.

Европа Банки Бизнес анжуманининг барча меҳмонлари нафақат мулоқотлар ва муҳокамаларда иштирок этиш, шунингдек, айрим масалалар ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш истиқболларини муҳокама қилиш учун **ҳамкор шериклар билан икки томонлама музокаралар** олиб бориш имкониятига ҳам эга бўладилар.

Ҳа, Тошкентда ўтказиладиган бу галги нуфузли халқаро анжуман асосида мамлакатимизда савдо-иқтисодий ва инвестицион ҳамкорлик янада ривожланиши, банк тизими салоҳиятининг кучайиши ва у Ўзбекистон иқтисодиётига янги-янги инвестициялар жалб этиши, шубҳасиз.

Номоз САЪДУЛЛАЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ XI СЕССИЯСИ ОЛДИДАН

Банк сири — мижоз сири

Шу йилнинг 24 апрель куни ўз ишини бошлайдиган Олий Мажлиснинг навбатдаги XI сессияси барчанинг эътиборида десам, муболаға бўлмайди. Чунки ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий жабҳалардаги муҳим ҳужжатлар сессия кун тартибидан жой олган.

Ушбу сессия кун тартибига биринчи ўқишда киритилаётган **Ўзбекистон Республикасининг «Банк сири тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси** бўйича баъзи бир фикр ва мулоҳазаларимни билдирмоқчиман.

Қонун лойиҳасининг **8-моддаси,** учинчи хат бошисини қуйидаги матнда беришни таклиф қилар эдим:

«Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ўзининг **юридик** мижозлари ҳақидаги банк сирини ташкил этувчи маълумотларни ушбу Қонунда белгиланган тартибда тақдим этади». Чунки Марказий банк ўзининг жисмоний мижозларига эга эмас.

Қонун лойиҳасининг **9-моддасини** қуйидаги матнда беришни таклиф қиламан:

«Банк сирини ташкил этувчи маълумотлар прокуратура, тергов ва суриштирув органларига фақат юридик ёйинки жисмоний шахснинг айби тасдиқланиб, суднинг қарори чиққанидан кейингина, тегишли прокурор санкциясига биноан берилади».

Ушбу модданинг бу кўринишда берилиши, жиноят тасдиқланмаган мижозларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган.

Шундан келиб чиққан ҳолда қонун лойиҳасининг **10-моддасини** қуйидаги матнда берилса, мақсадга мувофиқ бўлади:

«Банк сирини ташкил этувчи маълумотлар судга унинг ёзма сўрови асосида, суднинг юридик ёки жисмоний шахсларнинг айби тасдиқланганлиги тўғрисидаги кучга кирган қарори бўлган, ёхуд бу мижозининг (вакилининг) молмулки хатланган тақдирда тақдим этилади».

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда бир қатор хорижий давлатларнинг банклари ёки уларнинг филиаллари фаолият кўрсатиб келмоқдаки, бу масала ушбу қонун лойиҳасида ўз аксини топган. Бундан ташқари, Ўзбекистон ҳудудидаги юридик ва жисмоний шахсларнинг чет элдаги банкларда сақланаётган жамғармалари тўғрисида ҳам қонун лойиҳасида сўз юритилмаган.

Ўйлайманки, қонун лойиҳасида ушбу масалалар ҳам ўз ифодасини топса, фойдадан ҳоли бўлмайди.

Қодиржон ОДИЛОВ,
ХДП МК Экспертлар гуруҳи аъзоси, иқтисод фанлари доктори, профессор

● ХДП ҲАЁТИ

Эл-юрт ишончи

биз учун ниҳоятда муҳим, — дейди ЎзХДП Гулистон шаҳар кенгаши биринчи котиби Қаҳрамон ЮСУПАЛИЕВ.

— Бугун сиёсий партиялар учун янгича ишлаш, одамлар ишончини қозониш, қисқа қилиб айтганда, том маънода сиёсий партия сифатида фаолият юритишнинг имкониятлари, шарт-шароити етарли. Сиз етакчилик қилаётган шаҳар кенгаши олиб бораётган ишлар ҳақида қисқача сўзлаб берсангиз.

— Ўзбекистон ХДП Гулистон шаҳар кенгаши, мавжуд шарт-шароитлардан келиб чиққан ҳолда, омма билан ишлашга янгича ёндашиш масаласини биринчи ўринга қўйди. Шу мақсадда ҳудудий бошланғич партия ташкилотларини ривожлантириш режаси тузилди. Кенгашимиз янгича бошқарув тизимини ишлаб чиқиб, буни босқичма-босқич амалга оширмоқда.

Биринчи босқичда барча маҳаллаларда ҳудудий бошланғич партия ташкилотлари тузилди. Бугунги кунда уларнинг сони 31 тага етди ва улар 899 нафар аъзони бирлаштирди.

Иккинчи босқичда партия ташкилотларининг ҳудудий гуруҳлари тузилди. Мазкур масала шаҳар партия кенгашида халқ депутатлари вилоят, шаҳар Кенгашлари депутатлари иштирокида муҳокама қилиниб, унинг қарорига биноан сайлов округлари доирасида ҳудудий партия гуруҳлари иши йўлга қўйилди.

— Депутатлар, партия фаоллари билан ишлаш қандай ташкил этилган?

— Вилоят, шаҳар сайлов округлари доирасида партия гуруҳлари тузилиб, уларнинг раҳбарлари сайланган. Ушбу гуруҳлар таркибига округ доирасида фаолият кўрсатаётган бошланғич партия ташкилотлари котиблари, маҳалла фуқаролар йиғини раислари, депутатлар, депутатларнинг ишончли вакиллари, кузатувчилар, тарғибот-ташвиқот гуруҳларининг раҳбарлари, партия фаоллари киритилган.

2003 йилнинг «Обод маҳалла йили», деб эълон қилиниши муносабати билан ҳудудий бошланғич партия гуруҳлари маҳаллаларда ўтказилаётган тадбирларда янада фаолроқ иштирок этишмоқда.

Халқ депутатлари шаҳар Кенгашининг 30 депутатидан 12 нафари партиямиз аъзоларидир. Биз улар билан хамжиҳатликда иш олиб бормоқдамиз. Партия Дастурига асосан Халқ депутатлари шаҳар Кенгашида ташкил топган ХДПнинг депутатлар гуруҳи фаол ҳаракат қилмоқда.

— Депутатларнинг аҳоли билан ишлаши қандай йўлга қўйилган?

— Шаҳар кенгаши биносида депутатлар қабулхонаси ташкил этилди ва унда сайловчилар қабули йўлга қўйилди. Депутатлар ўзларининг сайлов округларида сайловчилар билан учрашиб, улардан тушаётган шикоят, ариза, талаб ва таклифларни қондиришга ҳаракат қилмоқдалар. Тушаётган истак ва талаблар бажарилиши назоратга олинган.

Депутатларимиз корхоналар, ташкилотлар, муассасалар раҳбарлари, шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорликда айрим муаммоларни ечиш борасида биргаликда иш олиб боришмоқда. Зарур бўлганда ҳокимликка депутат сўровлари билан мурожаатлар қилинмоқда.

Партиядан халқ депутатлари шаҳар Кенгашига сайланган вакилларимиз кенг омма орасида қизиқарли ва мазмунли тарғибот ишларини олиб боришаяпти. Оилаларнинг турмуш тарзи ва маиший хизмат аҳволи билан мунтазам қизиқиб, айниқса, ёшлар тарбиясига жиддий эътибор қаратилаяпти. Байрамлар ва бошқа тадбирларни ўтказишда ногиронларга, кам таъминланган оилаларга ёрдам кўрсатиш ишлари ташкил қилинди. Бугун партиямиз, хусусан, ХДП Гулистон шаҳар кенгашининг бутун фаолияти халқ ҳаётига тобора чуқурроқ кириб боришга, унинг дардига дармон бўлишга қаратилган. Эл-юрт ишончи биз учун ниҳоятда муҳим.

— Партия фаолиятида оммавий-сиёсий ишлар алоҳида ўрин тутади...

— ХДП Гулистон шаҳар кенгаши мафкуравий, сиёсий-партиявий ишларга ҳам алоҳида эътибор бермоқда. Партия шаҳар Кенгаши қошида, сайлов округлари доирасида сиёсий тарғибот-ташвиқотчилар гуруҳлари ташкил қилинган. Уларнинг таркибини партия фаоллари, бошланғич партия ташкилотлари котиблари, корхона ва ташкилот раҳбарлари, ХДП шаҳар кенгаши аъзолари ташкил қилади. Улар меҳнат жамоаларида, аҳоли истиқомат жойларида суҳбатлар, жонли мулоқот ва баҳс-мунозаралар олиб бормоқда.

— Бу борада оммавий ахборот воситаларининг ўрни беқиёс...

— Тўғри айтдингиз. Кенгашимиз партия ташкилотларининг илғор тажрибалари, депутатлар фаолияти, кўппартиялилик, демократия, сайловлар тўғрисидаги масалаларни шаҳар ва вилоят газеталари — «Сирдарё ҳақиқати», «Гулистон янгиликлари», «Гулистанские новости» саҳифаларида, вилоят радиоэшиттириш воситасида ёритишга алоҳида эътибор бермоқда.

Шаҳриёр РАУПОВ
суҳбатлашди.

Ҳунарли бўлай, десангиз

«ШАРҚ ГЎЗАЛИ»ГА МУРОЖААТ ЭТИНГ



Наманган туманининг Ирводон қишлоғи, Янги чек кўчасидаги маҳалла масжидида жойлашган нодавлат нотижорат «Шарқ гўзали» маркази ўз олдига кам таъминланган, ишсиз, касб-ҳунари йўқ аёллар ҳамда ёшларга касб-ҳунар ўргатишни мақсад қилиб қўйган. Унинг фаолият бошлаганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Аммо ушбу мақсад йўлида бир қатор ижобий ишларни амалга оширишга эришди.

— Марказимизнинг ташкил этилишида Американинг халқаро ривожланиш агентлиги (USAID) кўмагида фаолият юритаётган «Каунтерпарт — Ўзбекистон» халқаро ташкилотининг молиявий ёрдами катта бўлди, — дейди «Шарқ гўзали» раҳбари Замира Жамолова. Яъни унинг кичик грантини олишимиз анчадан буён режалаштириб юрган ишларимизни рўёбга чиқарди. Ҳозирда чеварчилик бўйича 40 нафар, пазандачилик курсида эса 30 нафар қиз-жувон касб ўрганишмоқда. Уларга тажрибали мутахассислар сабоқ беришмоқда.

Фаолиятимиз ривожида Наманган вилоят фуқаролик жамиятини қўллаб-қувватлаш маркази директори Ш.Қурбоновнинг хизматлари катта бўлмоқда. Яқинда унинг кўмаги билан зардўзлик тўгараги ташкил этишга ҳам муваффақ бўлдик.

«Шарқ гўзали» илк битирувчиларига 3 ойлик курсни тамомлаганлиги ҳақидаги сертификатлар топширилганига ҳали кўп вақт бўлмади.

— Қизим «Шарқ гўзали»га қатнаб пазандалик сирларини ўрганаётганидан жуда хурсандман, — дейди Лобархоннинг онаси Жамила Муҳиддинова. — Бу, менимча, ўз келажагини ўйлаган ҳар бир қиз учун ғоят муҳим.

Қишлоқ қизларига чеварлик, пазандалик, зардўзлик каби касбларнинг сир-асрорини ўргатиб келаётган «Шарқ гўзали»га истиқболинг порлоқ бўлсин, одимларинг янада шахдам бўлсин, деймиз.

(Ўз мухбиримиз)

✧✧✧

Суратларда: марказ фаолиятидан лавҳалар.

Никоҳ, оила ва хонадон тотувлиги

ЁШ ОИЛАЛАР ЎРТАСИДА АЖРАЛИШ ҲОЛЛАРИГА КИМ АЙБДОР? ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИ НИМАГА БОҒЛИҚ?

Оила жамиятнинг кичик бир бўлаги экан, демак, у қанча мустаҳкам бўлса, жамият ҳам гуллаб-яшнайди.

Оила ўзининг мавжудлигини сақлаб қолиши учун, аввало, демографик вазифасини бажариши, яъни янги авлод яратиши керак. Маълумотларга кўра, агар оила 1-2 нафар фарзанд кўриш билан чекланиб қолса, бу жамиятда аҳолининг табиий кўпайишини ҳам таъминлай олмайди. Агар оила ўртача 1 фарзанд кўрса, 23 йилда мамлакат аҳолисининг ярми қисқариб кетиши мумкин экан.

1991-2001 йиллар мобайнида Ўзбекистонда 6 миллион 844 мингдан ортиқ чақалоқ дунёга келган. Умуман мустақиллик йилларида Ўзбекистонда 2 миллион 117 минг янги оила бунёд этилди. Афсуски, бузилаётган оилалар сонининг камаймаётганлиги ташвишли ҳолдир. 1991-2001 йиллар мобайнида республикамизда 263,8 мингдан ортиқ никоҳ бекор қилинган.

— Хўш, никоҳни бекор қилиш ҳоллари камаймаётганлиги, 2002 йилда эса бироз ўсганлигининг сабаби нимада?

Васила КАРИМОВА, Республика «Оила» илмий-амалий маркази директори:

— Бунинг турли сабаблари мавжуд. Ҳаётда ҳамма нарса бўлиши мумкин. Баъзан оила аъзоларининг тинч яшашлари учун ажрашишдан ўзга чора қолмайди. Турмуш, ҳаётнинг ўзи шуни тақозо этади. Хизмат тақозоси билан кўп жойларга борамиз. Ҳар хил оилалар билан мулоқотда бўламиз. Шу вақтгача тўплаган тажрибамизга, ўтказилган социологик сўровлар натижасига суянадиган бўлсак, бугунги никоҳи бузилаётганлар асосан ёш оилалардир. Уларнинг ўзидан «Нега оилангизни бузмоқчисиз?» деб, сўрасангиз ҳар хил жавоблар, баъзан турли баҳоналарни эшитасиз. Бироқ масалага чуқурроқ ёндашадиган бўлсак, бунинг туб негизида асосан ёшларнинг оила қуришга тайёр эмаслиги ётганлигини англаш қийин эмас. Суҳбатлашганда аксарият ёшларнинг ҳали психологик, иқтисодий, маънавий ва бошқа жиҳатлардан оила қуришга тайёр эмаслигини кўриш мумкин.

Ёшларимиз оила, никоҳ халқимизда ниҳоятда муқаддас тушунча, табаррук қадрият эканлигини, унинг ортида инсон тақдири ётганлигини, уйланган йигит энди эр, турмушга чиққан қиз энди бировнинг жуфти ҳалоли эканлигини тўла ҳис қилолмаслиги ҳоллари учраб турибди. Қизларимиз тўйдан сўнг мутлақо янги шароитга тушади, янги одамларга рўбарў келади. Токи янги оила муҳитига мослашиб олгунча унга бироз қийин бўлади. Бу мустаҳкам оила қуриш йўлидаги бир довондек таассурот уйғотади кишида. Оиласи бузилаётган ёшларнинг кўпчилиги шу «довон»дан оша олмаяптилар. Бу ерда уларга бироз психологик билимлар керак бўлади. Турмушда учраб турадиган майда икир-чикирлар оилага дарз етказади. Тасаввур қилинг: ёш келин билмасдан ёки бироз эҳтиётсизлигидан овқатни шўрроқ қилиб қўйди. Энди, тушунган, бамаъни қайнона бўлса, келинига яхшилаб тушунтиради, билмаганини ўргатади. Бошқа бир қайнона уришиб бериши мумкин. Бундан ёш келин хафа бўлади, ўртага совуқчилик тушади. Аслида бу каби ҳолатлардан ширин сўз, самимий кулги билан ҳам чиқиб кетиш мумкин-ку.

— Лекин, баъзи ҳолларда оила бузилишига келинлар ҳам айбдор бўлишаётганлигини гапиришмоқда.

— Тўғри, яқинда жар ёқасига бориб қолган ёш оиланинг аҳволи билан танишдим. Ўйлаб қарасам, ҳаммасига келиннинг бирозгина ношукурлиги сабаб бўлган. Оила бировдан олдин, бировдан кейин ҳаёт кечиряпти. Аммо, ёш келин кўп нарсани хоҳлайди. Унинг эҳтиёжларини қоплашга куёвнинг моддий имкониятлари етмайди. Бор гап шу. Шунинг ўзи оилага совуқчилик солган. Кейин келинга тушунтиришга тўғри келди: жон қизим, ҳали ёш оиласизлар. Ҳаёт ўзи қийинчиликсиз бўлмайди. Сиз ҳар қандай шароитда ҳам эрингизга меҳрибон бўлинг... Оиласидан хотиржам одамнинг ишлари ҳам юришиб кетади. Ахир мақсадларингиз муштарак эмасми... Қисқаси, келин мени тушунди. Ҳозир улар тинч-тотув ҳаёт кечиришмоқда. Ёшликка хос руҳият борки, улар ҳамма нарсага бирдан эришишни, ҳаётда қийинчиликсиз яшашни, роҳат-фароғатни хоҳлайди. Лекин буларга машаққатсиз эришиб бўлмаслиги ҳақида ҳам ўйлаб кўриш керак, ахир.

Битта оиланинг ажралиши, битта боланинг тирик етим бўлиб қолиши, битта онанинг кўчада қолиши ҳам жамият учун муаммо туғдиради. Аёлнинг тақдири эртага нима бўлади?! Тирик етим бола боғчага, мактабга бориши керак. У ерда бир қанча маънавий-руҳий муаммоларга дуч келади. Нега у бир умр азоб чекиши керак?

Шунинг учун бугун бор кучимизни шунга қаратишимиз керакки, болаларимиз, фарзандларимиз оилани, никоҳни муқаддас бир қадрият, деб билсин. Оиласи бағрида яшаётганидан ғурурлансин. Оила бир кўрғондирки, уни оила аъзолари обод қилади. Кўрғон обод бўлсагина у барҳаёт яшайди.

— Оиланинг бугунги асосий муаммолари нималардан иборат?

Жамшидхон ШАРОПОВ, «Оила» илмий-амалий маркази «Оила ҳуқуқи» бўлими бошлиғи:

— Оилада ҳуқуқий маданиятнинг яхши шаклланмаганлиги ҳам муаммо бўлиб қолмоқда. Нодонлик ҳар доим оёқдан чалади, деган гап бор. Афсуски, кўпчилик оилаларда бу иллат мавжуд.

Оиланинг барча аъзолари ўртасидаги шахсий, мулкий муносабатлар ҳуқуқий маданиятга асосланган бўлиши керак. Айниқса, мулкий муносабатларда оиланинг ўзаро келишмовчилиги кўп кузатилади.

Аввало, ҳеч бир инсон «эртага барибир ажрашиб кетаман», деб никоҳдан ўтмайди. Ёшлар шунга қатъий ишониб, расман никоҳдан ўтаётган вақтларида **никоҳ шартномаси** тузишни хоҳламаяптилар. Худо кўрсатмасин ажралиш, бўладиган бўлса, хотин (ёш фарзанд ёки фарзандлари билан) кўчада қолиб кетади ёки ота-онасининг уйига бориб яшайди. Бу ҳолат ота-онанинг уйида уруш-жанжал келтириб чиқариши ҳам ҳеч гап эмас. Агар ўртада никоҳ шартномаси бўлганида бундай муаммоларга ўз-ўзидан чек қўйилган бўлар эди.

Улардан ташқари компенсация, турли ёрдам пулларини олишда, маиший, коммунал хизматлардан фойдаланишда ва турли тўловларни амалга оширишда имтиёзлардан фойдаланиш учун, айниқса, мерос масалаларида ҳуқуқни билиш ниҳоятда зарур.

— Шу сингари муаммоларни бартараф этиш, оилаларнинг мустаҳкамлигини кучайтириш, ажралишларнинг олдини олиш борасида марказ қандай ишларни амалга оширмоқда?

Даврон ХАЛИЛОВ, «Оила» илмий-амалий маркази директори ўринбосари:

— Марказимиз асосан беш йўналиш бўйича фаолият юритади: оилада ҳуқуқий саводхонликни ошириш; тиббий саводхонликни шакллантириш; психологик билимларни ошириш; никоҳ ва оиланинг муқаддаслигини ёшлар онгига етказиш; оилада маънавиятни юксалтириш.

Оила қураётган ёшларга оилага тайёргарлик, икки ёш бир-бирини ҳар томонлама ўрганиш, тўйдан кейин вужудга келиши мумкин бўлган муаммоларни енгиб ўтишга тайёргарлик кўриш учун бир ой муддат берилади. Ўша вақт мобайнида ёшларни ҳақиқий маънода оилага тайёрлаш, оила тушунчасини уларнинг онгига етказиш мақсадида махсус «Оила дорилфунуни» деб номланган курс дастурини ишлаб чиқканмиз. Уни Адлия вазирлиги, ФҲДЁ идоралари билан келишган ҳолда жойларга жўнатдик. Лекин шуниси ачинарлики, бу курс ҳамма жойда ҳам яхши ташкил этилмаган. «Оила дорилфунуни» курсидан ўтганлар шу ҳақда маълумотнома кўрсатганларидан сўнг никоҳлари қайд қилинади. Бу дегани улар оила, ҳаёт тўғрисида чуқур билимга эга бўлади, дегани эмас, албатта. Ҳар бир одам ҳаёт тўғрисидаги билимларни, тушунчани унинг ўзидан олади. Аммо, курс ҳар ҳолда ёшларга катта ҳаётга бошланғич йўлланмани беради.

Марказимиз назарий ва амалий жиҳатдан тарих тажрибаларини, ўтмиш анъаналаримизни ўрганиб, чиқарган хулосалар, тўплаган тажрибалар асосида нафақат бугунги кундаги оилавий муаммоларни, балки келажакда юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни ҳам ўрганиб, уларнинг ечимини излашга ҳаракат қилаяпти. Шу мақсадда жойларда давлат ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликда кўплаб учрашувлар, ўқув семинарлари ташкил этилмоқда. Китоблар, ўқув қўлланмалари, буклетлар чоп этиб, иложи борича, аҳоли қўлига етказишга ҳаракат қилмоқдамиз.

«1001 саволга психологнинг 1001 жавоби» номли китобни чиқарган эдик. Аҳоли ва мутахассислар орасида анча эътибор топди, кўпчиликка ҳаёт сўқмоқларида йўл топишга ёрдам берди, деб ўйлайман. Бундан ташқари «XXI аср оиласи концепцияси»ни ҳам ишлаб чиққанмиз. Уни ҳаётга жорий этишдан кўзланган асосий мақсад миллий анъаналар, урф-одатлар, умуминсоний қадриятлар ва жамият тараққиёти истиқболларини ҳисобга олган ҳолда оиланинг XXI асрдаги тараққиёти ва жамиятдаги нуфузини оширишга хизмат қиладиган методологик ҳамда назарий-амалий қарашлар мажмуини яратишдан иборат.

Беҳзод ШУКУРОВ
ёзиб олди.

Таҳририятдан:

Оилага дарз кетишидан ҳеч ким, давлат ҳам жамият ҳам манфаатдор эмас албатта. Никоҳи бекор қилинган ҳар бир оила изидан кўпдан-кўп ғам-ташвиш, қайғу алам қолади. Икки дил ярасини даволаш мумкин. Аммо фарзандга ота ё онани топиб бўладими?

Отасиз ё онасиз қолган гўдак вояга етгунча етимликнинг не-не оғир, дилни шикаста қилувчи синовларга дуч келади.

Бу жараёнда тақдирлар турлича кечади. Жамият олдида янгидан-янги муаммолар кўндаланг бўлади.

Енгилтаклик билан ажралишлар бор, ажралиш охирги чора бўлиб қолган ҳоллар бор. Оила мустаҳкамлиги кимга, нимага боғлиқ? Ажралишлар олдини олиш учун нима қилмоқ керак?..

Ғазетхонларимизнинг, мутахассисларнинг фикр-мулоҳазаларини кутамиз.

Сувнинг кўплиги — бараканинг мўллиги

дейди Туямўйин гидроузели ишлатиш бошқармаси бошлиғи Қуронбой Бобожонов қатъий ишонч билан

Бу йил қиш серёғин келди. Бу сув мўл бўлишидан дарак. Сўнгги йилларда сув тақчиллигидан қийналган Қуйи Амударё минтақаси деҳқонлари учун бу қувонч. Аммо воҳада сув хавфи пайдо бўлмасмикин, деган ҳадик ҳам кишини безовта қилади. Бошқарма бошлиғи билан суҳбат шу хусусида бўлди.

— Ўтган йилларда содир бўлган сув тақчиллиги воҳа деҳқонларига кўп ташвишлар келтиргани сир эмас. Амалдаги йил учун ҳозирча маълумотлар қандай?

— Сувнинг оз ёки кўп бўлиши биринчи навбатда табиатга — ёғингарчиликлар миқдорига боғлиқ. Қолаверса, сувдан режали равишда фойдаланишга ҳам. Бошқармамизнинг бош мезони — Амударё сувини йил давомида назорат қилиб, йиғиб, қишлоқ хўжалигига узлуксиз етказиб беришдан иборат. Ахир Қуйи Амударё минтақасида уч миллиондан зиёд аҳоли яшайди ёки бир миллион гектарга яқин майдонда деҳқончилик қилинади.

Маълумотларга келсак, бу йил сув етарли бўлади. Биринчидан, ўтган йил мавсуми учун омборларда 6,3 миллиард куб сув тўплашга эришдик. Бу аввалги йилгидан икки ҳисса кўп. Ҳозирда омборларда 4,7 миллиард куб ҳажмида сув бор. Бунинг устига ҳозирда дарёдан ҳар секундда 600 куб миқдорда сув келяпти. Бу ҳам ўтган йилнинг шу даврига қиёсланганда икки ҳисса кўп.

— Сув етарли дедингиз. Аммо май ойларида дарёнинг тошиши бор. Айни шу пайтда қишлоқ хўжалигида сув ишлатилмайди. Бу қалтис ҳолат қандай назорат қилинади?

— Очиғини айтай, бизда мавжуд маълумотларга қараганда, бу йил мавсумда сувнинг ўтган йилга нисбатан 150 фоиз кўп бўлиши кутилмоқда. Биз вазиятга тайёрмиз. Яъни, дарёда сув кўпайган пайтда унинг бир қисмини омборларга тўплаш имконияти бор.

— Бунинг учун аввало омборларда тўпланган сув миқдорини камайтириш керак эмасми?

— Май ойи бошларига келиб ҳисоб-китобимизга кўра, омборларда уч миллиард куб миқдорида сув қолади. Бу эса яна салкам беш миллиард куб сувни омборларга қабул қилишга имкон яратади.

Яна қиёсий таққослашга ўтай. Ўтган йили май ойининг сўнгги ўн кунлигидан сув кўпайди. Шу вақтда ҳар куни ўртача тўрт минг куб секунд атрофида сув келди. Дарёда энг кўп сув келган вақти — 12 июль бўлиб, ҳар секундда 5474 куб сув келиши қайд қилинган. Бу пайтда дарёга тўрт ярим минг куб секунд сув ташлаб турдик. Дарё эса олти минг куб секунд сувни ҳам бемалол ўзанига сиғдира олади.

Ўтган йилги сув мўллигининг самарасини бугун бозорларимиздаги арзончиликда кўриш мумкин. Бултур шу пайтда бозорларда бир килограмм гуруч нархи олти юз — етти юз сўм атрофида, ҳатто, апрель ойи ўрталарида бу нарх минг сўмга кўтарилган бўлса, ҳозирда бизда бир килограмм гуруч тўрт юз эллик сўм атрофида сотиляпти.

Ҳимоя дамбалари мустаҳкам, ҳар доим назоратимизда. Яқинда бу борада Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган қарордан сўнг ишларимизни янгича шароитларга кўчирдик. Ишончим комилки, бу йил сув мўл бўлса-да, Қуйи Амударё минтақасида сув тошқини хавфи бўлмайди.

— Кечирасиз, кўпчиликни қизиқтираётган савол: сув мўл деяпмиз-у, лекин ҳозир Орол денгизига сув етиб бораяптими?

— Йўқ! Ҳозир сув заҳираси минтақадаги салкам бир миллион гектар майдоннинг шўрини ювишга ишлатиляпти. Сув янада кўпайса, албатта, денгизга ҳам етиб боради.

Суҳбатдош: Рўзимбой ҲАСАН, «Ўзбекистон овози» мухбири

Бойсунда яна баҳор байрами

Баҳор палласида тарих ва афсоналар ила муштараклашиб кетган Бойсун маданияти қайтадан жонланади. Кўҳна маскан аҳлининг ўзига хос фольклор мусиқаси, оғзаки ижодиёти, халқ достонлари, маҳаллий ҳунармандчилиги, миллий либос ва рақслари ҳамда қадимий урф-одатлари уйғониш фаслининг турфа хил рангларида ўзининг ажиб ва мафтункор жилосини кўрсатади.

Сурхон воҳасидаги ушбу мўъжазгина бир масканда халқимизнинг қадимий урф-одатлари, яшаш тарзи, турмуш маданияти ва санъатининг минг йиллар давомида деярли ўзгармай келаётгани бутун жаҳон ҳамжамиятини лол қолдирган. Шу сабабдан 2001 йилда Бойсун маданияти ЮНЕСКО томонидан «Инсоният оғзаки ва маънавий мероси дурдонаси» дея эълон қилинган. Айтиш жоизки, бутун курраи заминимизда атиги 19 та мана шундай ноёб маданият ва маънавият масканлари мавжуд, холос.

Маълумки, 2002 йилнинг баҳорида ушбу мўъжаз маскан маънавий-маданий анъаналарни сақлаш ва асраш, уларни халқимиз орасида ва халқаро миқёсда кенг тарғиб этиш мақсадида «Бойсун баҳори» очиқ фольклор фестивали ўтказилган эди. Унда Марказий Осиё ва бошқа қатор чет давлатлардан келган 400 дан зиёд маданияткунос олимлар, фольклор дасталари, бахшилар, миллий-ҳунармандчилик усталари, каштачи-тикувчилар, қўшиқчи-лапарчилар иштирок этди. Республикамизнинг турли вилоятларидан ташриф буюрган санъат усталари чет эллик ҳамкасблари билан ёнма-ён туриб, ўзларининг халқ ижодиёти ва фольклор борасидаги маҳоратларини кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола қилган эди.

Япониялик Хироши Хошино ва Фурута Харухиса, кореялик Квон О-Сун ва Хан Хунг Суб, франциялик Ивонна де Сайк ва россиялик академик Некрасов каби дунёга машҳур олимлар фестиваль доирасида бўлиб ўтган илмий анжуманларда иштирок этгандилар.

Шу йилнинг 14-19 май кунлари кўҳна Бойсун қучоғида навбатдаги фестиваль бўлиб ўтади. Бу йилги анжуманнинг асосий ташкилотчилари «Бойсун» санъат ва маданиятини қўллаб-қувватлаш фонди, Турғун Алиматов хайрия жамғармаси, мамлакатимизнинг SMI Group фирмаларидир. Шунингдек, фестиваль ЮНЕСКО, Сурхондарё вилоят ҳокимлиги, Маданият ишлари вазирлиги ҳамда Ўзбекистон санъат академияси томонидан расман қўллаб-қувватланмоқда.

Анжуманда мамлакатимиз ҳамда жаҳоннинг турли давлатларидан келган фольклор дасталари, бахшилар, миллий рақс гуруҳлари, санъатшунос ва ўлкашунос олимларнинг иштирок этиши кутилмоқда.

Фестиваль давомида иштирокчилар Бойсун қишлоқларида очиқ концертлар бериши, ушбу кўҳна диёрнинг тарихий ва маданий аҳамиятга молик бўлган масканларини зиёрат қилиши, фольклор ансамбллар кўриги ва бошқа қатор тадбирларни ўтказиш кўзда тутилган.

Акмалжон ҚЎЧҚОРОВ, «Жаҳон» АА

Чекиш тақиқланади

Норвегияда янги қонун қабул қилинди. Унга кўра 2004 йилдан бошлаб мамлакат ҳудудидаги барча ресторанларда, барларда ва умуман жамоат жойларида чекиш тақиқланади. Қонун шу йилдан кучга киритилмаслигининг сабаби шуки, кашандалар келгуси йилгача бунга кўникма ҳосил қилиб олишлари лозим, дейилади Reuters ахборотида.

Бугунги кунда бундай қонунлар Америка ва Канаданинг бир қанча штатларида, шунингдек, Нью-Йорк шаҳрида амалда қўлланилмоқда. Бироқ Норвегия бундай қонунни мамлакат бўйича жорий этган биринчи давлатдир.

Бекор қилинди

Европа Иттифоқи Белорусия Президенти Александр Лукашенко ва ҳукуматнинг юқори мартабали 7 аъзосига нисбатан қўллаган виза тақиқловини бекор қилди, дейилади «Россия» телеканалининг «Вести» дастури кўрсатувида. Бундай қарор Европа Иттифоқи Кенгашининг Люксембургда ўтган ташқи ишлар вазирлари мажлисида қабул қилинди.

Белорусия ҳам ўз ўрнида Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти миссиясининг Минскда фаолият юритишига рухсат берди. Бундай қадам бугун Афинада ўтадиган 25 давлат етакчиларининг Европа конференциясида Белорусия делегацияси ҳам иштирок этишига имкон яратди. Улар ЕИнинг янги «қўшни»лари билан учрашадилар.

Эслатиб ўтамиз: ўтган йили ноябрда Белорусия ЕХҲТ миссияси учун визалар муддатини узайтиришни рад этган, натижада ЕИ ҳам Белорусия раҳбариятига виза беришни тақиқлаган эди.

Дарвоқе, АҚШ маъмурияти ҳам А.Лукашенко ва бошқа ҳукумат аъзолари учун виза тақиқловини бекор қилди.

83 давлатда амалда

Ўлимга маҳкум этилганлар муаммолари билан шуғулланувчи «Халқаро амнистия» ташкилотининг Женевада ўтган йиллик сессиясида маълум қилинишича, 2002 йили дунё бўйича 1526 киши ўлимга маҳкум этилган. Уларнинг 80 фоизи уч мамлакатга — Хитой, Эрон ва АҚШ давлатларига тўғри келар экан. Яъни Хитойда — 1060 киши, Эронда — 113, АҚШда — 71 киши маҳкум этилган.

Халқаро ташкилот вакилининг Reuters мухбирига берган интервьюсида айтилишича, бугунги кунда 111 давлатда ўлим жазоси қўлланилмайди, 83 мамлакатда эса бу жазо амалда.

2001 йили ўлимга маҳкум этиш 3048 кишига нисбатан жорий қилинган.

● ТАФСИЛОТ

Жаҳон ахборот агентликлари

Ироқдаги вазият ҳақида хабар қилади

KUNA. Қувайт агентлигининг хабарига кўра, Ироқнинг Сурия билан чегарадош Ал-Анбар музофотида 16 минг кишилик Ироқ ҳарбийлари Америка жангчиларига таслим бўлди. Таслим бўлиш ҳақидаги ҳужжатни ҳарбий гуруҳ қўмондони, генерал-лейтенант Муҳаммад Ал-Жарайи Америка полковнигига топширди. Генерал-лейтенант АҚШ ҳарбийларига Ироқни озод қилгани учун миннатдорлик билдирди ва мамлакатда вазиятни барқарорлаштириш йўлида Америка бўлинмаларига ёрдам беражагини айтди.

«АЛ-ЖАЗИР». Қатардаги мазкур телеканал Америка ҳарбийлари Тикрит шаҳрини ўз назорати остига олганлигини маълум қилди. АҚШ пиёдалари шаҳар кўчаларида бемалол ҳаракатланишмоқда.

REUTERS. АҚШ ҳарбий денгиз кучларининг Abraham Lincoln авианосеци кузатувдаги кемалар билан шанба куни Форс кўрфазини тарк этган эди. Америка-Британия иттифоқчи денгиз кучларининг қўмондони, вице-адмирал Тимоти Китингнинг айтишича, унинг ўрнига Nimitz авианосеци жанговар навбатчиликда турибди. 11 апрель куни эса Британиянинг Azk Royal авианосеци ўз ватанига қайтиш ҳақида буйруқ олган.





Яқин кунларда Американинг яна икки авианосеци — Kitty Hawk ва Constellation ўз кемалари кузатувида кўрфазни тарк этади. Улар ўзларининг аввалги базаларига, яъни Kitty Hawk Японияга, Constellation эса Сан-Диегога йўл олади.

AP. АҚШ Марказий қўмондонлиги вакили, бригада генерали Винсент Брукс берган баёнотга кўра, Ироқдаги барча нефть қудуқлари коалиция кучлари назоратида. Унинг айтишича, мамлакат жанубидаги 1000 та қудуқ уруш бошлангандан сўнг бир неча кун ўтгач, коалиция кучлари назоратига олинган эди. Ўтган ҳафтада эса кунига 900 минг баррелдан нефть қазиб олинадиган мамлакат шимолидаги Киркук қудуқлари ҳам улар назоратига ўтган.

Шу кунларда нефть қудуқларидаги барча ёнғинлар ўчирилган. Бироқ улардан нефть қазиб олиш учун яна бир неча кун керак. Негаки, уларни миналардан тозалаш лозим.

НОВОСТИ. Бағдоддаги ягона нефтни қайта ишлаш «Дора» заводи яна ишлай бошлади. Америка армияси қўриқлаётган мазкур корхонада ироқлик ва қувайтлик мутахассислар ишламоқда.

Завод бундан бир ярим ҳафта аввал тўхтаган эди. Натижада пойтахтдаги барча автомобилларга ёнилғи қуйиш шахобчаларида бензин тугаган, уруш бошланмасдан олдин ерга кўмилган цистерналардаги захира учун сақланган бензин ишлатилмоқда эди.

Ҳозир «хусусий тадбиркорлар» 1 литр бензинни 5 центдан сотмоқда.

Бағдод кўчаларида ҳаракат жонланиб қолган, бироқ автомобиллар кам. Электр йўқлиги сабабли светофорлар ишламаяпти.

FRANCE-PRESSE. Америка ҳарбийлари электр энергияси узатилишини уч кун ичида йўлга қўйишга ваъда бердилар. Талончилик, ўғрилик ва тартиббузарликларга қарши курашиш учун Бағдод кўчаларида патруллик қилаётган ҳарбийлар сони эса яна кўпайтирилади.

REUTERS. Бағдод кўчаларидаги киоскаларда ва кичик бозорчаларда савдо яна қайта жонланмоқда. Каттакатта дўконлар эса ҳозирча ёпиқ.

Маҳсулот нархи урушдан аввалги пайтга қараганда анча қиммат. Масалан, бир қути Gauloises сигаретаси ҳозир 3 минг динорга сотилмоқда, урушдан аввал эса 1 минг динор эди.

Ироқ шимолидаги мактабларда эса шу ҳафтанинг душанбасидан дарслар бошланди. Ҳарбий ҳаракатлар даврида ироқлик курдлар уйларини ташлаб чиқиб кетгани боис, мактаблар фаолиятини тўхтатган эди.

НОВОСТИ. Бағдодда вазиятни барқарорлаштириш мақсадида кечқурун соат 7 дан тонгги 6 гача комендантлик соати жорий этилган.

Американинг махсус бўлинмалари аҳолига варақалар тарқатди. Унда одамлар кечқурун уйларидан чиқмасликка чақирилган. Бу билан тунги жиноятчилик ва отишмалар содир этилишининг олди олиниши ўқдирилган.

Варақалар инглиз ва араб тилларида битилган.

FRANCE-PRESSE. Ҳарбий ҳолатдан сўнг мамлакатдаги вазиятни барқарорлаштириш жараёнида кўмак беришларини сўраб АҚШ маъмурияти Данияга мурожаат этди.

Дания Бош вазири Андрес Фог Расмуссен эса бунга тайёр эканлигини ва яқин кунларда ўз ҳарбийларини жўнатажагини билдирди.

Шунингдек, Италия ҳам Ироқда тартиб-қоидани тиклаш, инсонпарварлик ёрдамлари ва дори-дармонларни тақсимлашда кўмак бериш учун бир неча минг ҳарбийни кўрфазга жўнатмоқда, дейилади Reuters ахборотида.

Италия ташқи ишлар вазири Франко Фраттининг айтишича, қуруқлик ва денгиз флоти қўшинларидан 2,5-3 минг киши жўнатилади. Бироқ улар ҳарбий ҳаракатларда иштирок этмайди.

Австралия эса оммавий қирғин қуролларини қидириш жараёнида қатнашиш учун 12 мутахассисни жўнатмоқда. Австралия мудофаа вазири Роберт Хилл Австралия қироллигининг ҳарбий ҳаво кучларига қарашли авиадиспетчерларни ҳам жўнатишга қарор қилди. Улар Ироқнинг халқаро аэропортларида инсонпарварлик ёрдамларини қабул қилишда ва аэрофлот ишларини тиклашда ёрдам берадилар.

Куни кеча ЛНТ телеканали Латвия қуролли кучлари қўмондони, адмирал Гайдис Зейботс ва Мудофаа вазирлиги давлат котиби Эдгарс Ринкевич берган маълумотларга таяниб хабар қилишича, 20 апрель куни 3 нафар зобит, 30 кишилик таъминотчилар взводи ва 6 нафар сапёр Форс кўрфазига отланади.

НОВОСТИ. Саддам Ҳусайн тузуми ағдарилганлиги муносабати билан Ироқнинг Покистондаги элчихонаси ўз фаолиятини тўхтатди. Аммо мусулмончилик анъаналари-ю, ахлоқ-одоб қоидаларига кўра, улар мамлакатдан чиқариб юборилмайди. «Мамлакатни тарк этиш ё этмаслик улар ихтиёрида», деди Покистон Ташқи ишлар вазирлиги матбуот-котиби Азиз Аҳмад Хон.

Алимбек ТОШБЕК тайёрлади

● ҚИЛМИШ — ҚИДИРМИШ

«Туз»и чиққан тузфурушлар

«...Тадбиркор»лик аломат иш-да. Елиб-югуриб ишлаш билан бирга ишнинг «кўзи»ни ҳам билиш керак. Баъзан ё остидан, ё устидан, деб қалтис ишга кўл урасан, назоратчиларни шамғалат қилиб ўтиб ҳам оласан... Шундай қилиб, бир-икки «операция» қилсанг бас, бирдан миллионер бўласан-қоласан...»

Жиззах вилояти Жиззах туманидаги Ҳ.Носиров номли ширкат хўжалигида яшовчи фуқаро Ориф Субҳонқулов шундай ширин хаёллар оғушида Конимех тумани сари отланди. У тумандаги «Теригудуқ» туз конига бориб, тезда «таниш» топди ва килосини арзимас пулга савдолашиб, оз эмас-кўп эмас — 10 тонна тузни машинага жойлаб ортга қайтди. «Буни энди «оптом» сотсам ҳам ёнимга бир нима қолади-ку», ўйлади у. Бироқ, Нурота тумани Сентоб қишлоғида жойлашган (Фориш тумани билан туташган чегара постда) Йўл патрул хизмати ва туман солиқчилари тўхтатишганда «маза»си қочиб қолди...

...Ўтказилаётган рейд текшируви жараёнига тўғри келган О.Субҳонқулов КамАЗ-55213 русумли давлат белгиси 13 АА 885 русумли автомашинасидаги юк кимга тегишли эканлиги, қаердан олганлиги ва қаерга олиб бораётганлиги тўғрисидаги саволларга жавоб беролмай қолди... Орзуси саробга айланди.

Вилоят давлат солиқ бошқармаси ва Навбаҳор-Томди йўли патрул хизмати ходимлари ҳамкорликда олиб борган тадбирлар натижасида ҳам Конимех туманидан Хатирчи тумани сари ҳаракатланаётган давлат рақами 21 А 46-25 КамАЗ русумли автомашина тўхтатилиб, машина юкхонаси текширилганда 10,7 тонна туз маҳсулоти борлиги аниқланди. Автомашина ҳайдовчиси Фарҳод Хўжақулов уни Конимех тумани туз ҳавзасидан сотиб олиб, мўмайгина пуллаш ниятида кетаётган экан. Унда на тузга тадбиркорлик билан шуғулланишига оид ҳужжати бор эди. Устига-устак у йодланмаган туз қанчалар одам организмига зарар эканлигини била туриб, бойиш йўлида ноқонуний ишга кўл урганди.

Энди ўйлаб кўрайлик, туз нон каби зарур ва азиз неъмат. Айрим нопок шахслар эса қайта ишланмаган ва йодланмаган тузни сотиб, мўмай пул топишга уринмоқда. Улар пул ҳақида ўйлашаяпти. Лекин одамлар саломатлиги-чи? Айниқса, болалар, қариялар, ҳомиладор аёллар азият чекишади-ку. Бундай ишлар нафақат жиноят, балки гуноҳ ҳам саналади.

Неъмат БЎРОНОВ, Навоий вилояти Давлат солиқ бошқармаси бўлими бошлиғи.

27 тўйболага тўйбоши

Бир нечта кичик корхона соҳиби Эшқувват Ашуров билан ўтган йили суҳбатлашган эдик. У қўшма корхона қураётгани ва орзулари ҳақида ҳикоя қилганди: «Элга нафим тегсин, дейман...»

Яккабоғ туманида бу ажойиб тадбиркор амалга ошираётган ишлар элнинг назарида. Бирор савоб юмушдан четда турмайди. Кўнгли ўксикларни юпатади, кексаларнинг дуосини олади. Оламга Наврўз сепини ёйганда, у яна савобли ишга қўл урди. «Чайдари» қишлоғида 27 нафар боланинг суннат тўйини ўтказиб берди. Тўй куни ҳар бир тўйбола номига банкда ҳисоб рақами очириб, 3 минг сўмдан маблағ қўйилган омонат дафтарчаларини топширди. «Бу маблағ кўпайиб болаларнинг яхши кунларига сарфлансин...»

Тадбиркорнинг ишлари ҳам ривожланиб боряпти. Унга тегишли момиқ ишлаб чиқариш фабрикаси маҳсулотига Россия давлатидан харидорлар кўп. Туркия ва Германиядан меҳмонлар келиб кетишди. Хусусий сармоя асосида бунёд этилаётган «Яккабоғтекс» қўшма корхонасини олмониялик ҳамкорлар қўллаб-қувватламоқда. Ҳадемай, 5 миллион 307 минг АҚШ доллари эвазига хориж ускуналари олиб келиб ўрнатилади. Ўз пахтамиздан тайёрланадиган маҳсулотлар четга чиқарила бошлайди. Энг муҳими, 200 киши иш билан таъминланади.

Бунга оз қолди. Эшқувват Ашуров қўшма корхона ишга тушган кун яна тўй қилиб беришни дилига туккан. Илло, нияти ушалсин унинг.

Юнус УЗОҚОВ

ЭЪЛОН

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ БИРЖА САВДОЛАРИГА:

Термиз шаҳри, Намуна жамоа хўжалигида жойлашган, **бошланғич баҳоси — 203 265,6 АҚШ доллари** бўлган Автомобилларни газ билан тўлдириш компрессор станцияси аралаш тўлов шаклида, яъни 30 фоизи эркин муомаладаги валютага, 70 фоизи Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тўлов кунидаги курси бўйича миллий валютага;

Урганч шаҳри, Ғайбу қўрғонида жойлашган, **бошланғич баҳоси — 327 100 АҚШ доллари** бўлган Автомобилларни газ билан тўлдириш компрессор станцияси аралаш тўлов шаклида, яъни 40 фоизи эркин муомаладаги валютага, 60 фоизи Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тўлов кунидаги курси бўйича миллий валютага;

Шунингдек, РКМБда 2003 йил 17,24,30 апрель, 15,29 май кунларига белгиланган аукцион савдоларига қўйилган Тошкент шаҳри, Чилонзор туманида жойлашган, **бошланғич баҳоси — 107 838 АҚШ доллари** бўлган 121-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шахобчаси (121-АЁҚШ) биржа савдоларига аралаш тўлов шаклида, яъни 40 фоизи эркин муомаладаги валютага, 60 фоизи Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тўлов кунидаги курси бўйича миллий валютага қўйилганлигини маълум қиламиз.

✧ ✧ ✧

Республика Кўчмас мулк биржасида 2003 йил 24 апрель куни соат 11.00да республика Биржалар маркази биносида ўтказиладиган аукцион савдосига қўйилган Наманган шаҳри, Зирабулоқ 2-боши берк кўчасида жойлашган, **бошланғич баҳоси — 5931630 сўм** бўлган «Namangan Etalon» MCHJ низом жамғармасининг 90% улуши савдодан олинганлигини маълум қиламиз.

«ОҚТОШДОН» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ХАБАРИ

Хабар тартиб рақами — 09.

2003 йил 11 апрелда «Оқтошдон» акциядорлик жамияти акциядорларининг умумий йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишда 107725 та овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган оддий акция эгаларидан 96691 дона акция қатнашди.

Умумий йиғилишда қуйидаги қарорлар қабул қилинди:

1. «Оқтошдон» акциядорлик жамияти ижро органининг 2002 йил молия хўжалик бўйича ҳисоботи тасдиқланди.

2. «Оқтошдон» акциядорлик жамияти Кузатув Кенгашининг 2002 йилдаги ҳисоботи тасдиқланди.

3. «Оқтошдон» акциядорлик жамияти Тафтиш комиссияси ҳисоботи тасдиқланди. 2003 йил учун жамият аудитори этиб «Дунёаудит» фирмаси билан 300 минг сўмга шартнома тузишга рухсат берилди.

4. «Оқтошдон» акциядорлик жамиятининг бухгалтерия баланси тасдиқланди.

5. «Оқтошдон» акциядорлик жамияти бир дона акцияга 500 сўмдан дивиденд белгиланди.

6. «Оқтошдон» акциядорлик жамияти директори лавозимига Қ.Ибатув билан меҳнат шартномаси тузилди.

7. «Оқтошдон» акциядорлик жамиятининг 2003 йил учун Бизнес-режаси тасдиқланди.

8. Кузатув Кенгаши таркибига етти киши сайланди.

9. Тафтиш комиссияси таркибига уч киши сайланди.

10. «Оқтошдон» акциядорлик жамияти Низоми ва ички меъёрий ҳужжатлари янги таҳрирда тасдиқланди.

11. Кузатув Кенгаши раиси ва аъзоларини тақдирлаш, жамиятнинг умумий молиявий фаолияти якунлари бўйича миқдорини аниқлаш Кузатув Кенгаши ваколатига берилди.

12. «Оқтошдон» акциядорлик жамияти томонидан 1995 йилда чиқарилган оддий акциялар эгаси ёзилган акциялар турига айлантирилди.

13. «Оқтошдон» акциядорлик жамияти акцияларига дивидендлар амалдаги Ўзбекистон Республикаси қонунлари асосида тўланади.

КУЗАТУВ КЕНГАШИ

● ИСЛОҲОТ ВА ТАЪЛИМ

«Устоз»нинг изланишлари, интилишлари

МАМЛАКАТ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн биринчи сессияси очилишига саноқли кунлар қолди. Сессия муҳокамасига киритилиши назарда тутилган масалалардан бири «Жамоат фондлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасидир.

Бугун жамиятда жамоат ташкилотларининг ўрни қай даражада? Фаолият юритаётган жамғармалар ўз олдиларига қўйган вазифаларини уддалаяптими? Ушбу саволлар атрофида фикр юритиш мақсадида «Устоз» республика жамғармаси ижрочи директори, профессор, Аббос ШЕРМУҲАММЕДОВ билан суҳбатлашдик.

— Аввало, «УСТОЗ» жамғармасининг фаолияти, мақсади ҳақида тўхталсангиз

— Мамлакатимизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, «Таълим тўғрисида»ги Қонун талаблари изчил амалга оширилаётир. Баркамол авлодни тарбиялаш, таълим бериш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. «Устоз», «Умид» жамғармалари тузилиб, ривожланган хорижий давлатлардаги энг нуфузли олий ўқув юртларига юзлаб ёшлар ўқишга юборилди. Муаллим ва мураббийларнинг билим ва савиясини юксалтириш юзасидан, жиддий ишлар амалга оширилмоқда.

Жамғармамиз Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 30 декабрдаги Қарорига асосан ташкил этилган бўлиб, ўз олдига қўйган асосий талаб ва мақсади республикамиздаги барча таълим муассасаларининг иқтидорли ўқитувчилари, докторант ва аспирантларини жаҳоннинг ривожланган давлатлари таълим марказларида қайта тайёрлаш, малака оширишларини ташкил қилишдир.

Ўрганилган хориж таълим тизимидаги ўқитишнинг янги педагогик технологиялари ва ютуқларини кенг жорий қилиш, малакали хорижлик мутахассисларни республикамизга келишларини ташкил этиш, уларни таълим жараёни билан таништириб, тажриба алмашиш ҳам бизнинг вазифамизга киради.

1998-2003 йилларда халқ хўжалигининг 30 устувор йўналиши бўйича республикамиз профессор-ўқитувчиларининг хорижда малакасини оширишларини таъминлаш мақсадида 5 марта республика кўрик-танлови ўтказилди.

Ҳар йили Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Халқ таълими вазирликлари билан ҳамкорликда «Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув қўлланмаси», «Йилнинг энг яхши ўқитувчиси», «Йилнинг энг яхши илмий раҳбари», «Йилнинг энг яхши мураббийси» номинациялари бўйича республика кўрик-танловини ўтказиб келмоқдамиз. Жамғарма «Йилнинг энг яхши мактаби» ва «Йилнинг энг яхши ўқитувчиси» республика кўрик-танловларига ҳам ҳомийлик қилади.

— Бугунги кунгача жамғарма томонидан қайси мамлакатларга қанча мутахассис малака оширишга юборилди?

— Танловларда ғолиб бўлган профессор-ўқитувчилар хорижнинг етакчи ўқув марказларида жумладан: Гарвард, Нью-Йорк, Нью-Пальтц, Мериленд университетлари (АҚШ), Кембридж, Ридинг университетлари (Буюк Британия), Нова Скотия коллежи (Канада), GTZ ва DSE жамғармалари (Германия), KNOUS (Франция), МАШАВ дастури (Исроил), Хосео университети (Корея), INTAN, Мара университетлари (Малайзия), Москва давлат университети ва Россиянинг бошқа ўқув марказларида малака ошириб, тажриба алмашиб келдилар. Жумладан 2002 йил давомида Австриянинг Вена техника университети, Японияннинг Васеда университети, Сингапурнинг Наньянг политехника университети, Кореянинг Кумо Миллий технология университети, Голландиянинг Фонтис университетларида республикамизнинг олий ўқув юртлари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларнинг 309 нафар профессор-ўқитувчилари, аспирант ва докторантларининг малака ошириб, тажриба алмашишлари таъминланди.

— Жамғарманинг халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқалари қандай йўлга қўйилган?

— Халқаро алоқалар уч йўналишда амалга оширилмоқда. Юқорида таъкидланганидек, таълим тизимида фаолият кўрсатаётган юртдошларимизни хорижий мамлакатларнинг етакчи ўқув марказларига малака оширишга юбориш, чет эллик мутахассисларни Ўзбекистонга таклиф этиш устувор вазифаларимизга киради. Шу кунгача жамғарма томонидан хорижий давлатлардан келган профессор-ўқитувчилар иштирокида 14 та семинар ўтказилди.

Учинчидан, хорижий ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари билан ҳам доимий ҳамкорлик қилмоқдамиз. Жумладан, СОРОС жамғармаси, IREX ва бошқа ташкилотлар билан семинар-тренинглар, қишки ва ёзги мактаблар, университет ва бошқа махсус курслар ўтказилмоқда.

IREX ташкилотининг жамғармада ташкил қилинган, «Интернет асослари» курси тингловчиларига битириш гувоҳномалари берилади. Ушбу курсда республика олий ўқув юртлари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларининг ўқитувчилари малака оширишлари мумкин.

Хориж таълим тизимидан ўрганилган янги педагогик ижобий тажрибаларни оммалаштириш ва малака ошириш дастурларида фойдаланиш мақсадида ушбу кунгача «АҚШ таълим тизими ва унинг ривожланиш йўллари», «Замонавий касб-ҳунар таълимида бошқариш ва инновациялар», «Педагогик технологияларни лойиҳалаштириш ва амалга ошириш бўйича тавсиялар», Дуглас Анчел томонидан тузилган «Интернетда ишловчиларга йўлланма», «Ўзбекистон таълим муассасаларида янги ахборот технологиялар ва масофавий ўқитишни жорий этиш», ҳамда СОРОС фонди билан ҳамкорликда «Интернет янгиликлари» ойлик ахборотномаси каби 15 номдаги ўқув қўлланмалар, услубий материаллар нашр этилди ва жамғарма томонидан ўтказилаётган тадбир иштирокчиларига тарқатилди.

«Устоз» республика жамғармаси Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Американинг Таълим Тармоғи (EdNET) лойиҳаси ва АҚШ Халқаро Ривожланиш Агентлиги томонидан молиялаштирувчи ва Карана корпорациясининг маъмурий кўмаги билан «Ўзбек-Америка Академияси»ни ташкил этди. Унда иқтисодиёт ва бизнес йўналишлари бўйича республика профессор-ўқитувчиларини доимий ўқитиш курси ва нашрлар билан ўзаро алмашинув жараёни бошлаб юборилди.

Жамғарманинг компьютер маркази Интернет тармоғига уланган бўлиб, ундан доимий равишда профессор-ўқитувчилар ўз савияларини ошириб бормоқда. Американинг Ўзбекистондаги Очиқ Жамият Институти Кўмак жамғармаси гранти ҳисобига компьютер қурилмалари олинган ва улар жамғармада мультимедия маркази тариқасида фойдаланилмоқда. 119 номдаги 23870 дона ўқув адабиёти ва қўлланма грант тариқасида олиниб, ундан 23572 донаси республикамиз олий ўқув юртлари ва бошқа ўқув масканлари кутубхоналарига тарқатилди.

Американинг «Глобал» жамғармаси гранти эвазига 81 номдаги 913 дона ўқув адабиётлари ва қўлланмалар олиниб, жамғарма кутубхонасида сақланмоқда. Ундан барча қизиққан мутахассислар фойдаланишлари мумкин.

Ўзбекистон — Очиқ Жамият Институти хайрихоҳлигида АҚШнинг EBSCO ташкилотидан 84 тўпламдаги электрон кутубхона олинган. Ушбу кутубхонанинг маълумотлар базаси АҚШда сўнгги 10 йилда 3500 номдаги журнал ва 143 газета нашрларида чоп этилган мақолалардан иборат.

Улар ижтимоий фанлар, иқтисодиёт ва бизнес, тиббиёт ва атроф-муҳит муҳофазаси, авиация ва аэрокосмик ҳамда бошқа кўплаб мавзуларда чоп этилган мақолалардир. «Устоз» жамғармаси мазкур электрон кутубхоналарни республикамиздаги 84 та олий ўқув юртлари илмий-тадқиқот марказлари кутубхоналарига тарқатди.

— Хорижда малака оширишни истовчилар учун жамғарма томонидан қандай талаблар қўйилади?

— Биринчидан, чет тилини пухта билишлари керак, чунки таржимон билан иш олиб бориш кам самара беради.

Иккинчидан, замонавий компьютер технологияларидан етарли даражада фойдалана олишлари керак.

Ўз навбатида жамғарма томонидан хорижий сафарда бўлиб қайтганлар олдига баъзи бир талаблар ҳам қўйилади. Улар сафар давомида ўз мутахассислиги бўйича ўқитишнинг замонавий педагогик технологиялари янгиликларини ўзлаштиришлари ва таълим тизимини ривожлантириш учун ижобий томонларини ўрганиб келишлари шарт.

Хориждан ўрганган тажрибаларини дарс жараёнларига жорий қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Шунингдек, улар ўз ҳамкасбларига ўзлаштирган тажрибалари борасида амалий семинар ўтиши ва оммалаштириши зарур.

Ҳар бир гуруҳ дастур бўйича сафардан қайтганидан кейин ўша давлат таълим тизимининг биздан фарқли томонлари бўйича услубий қўлланмалар тайёрлашлари лозим.

«Устоз» жамғармасининг изланишлари, интилишлари замирида баркамол авлодга чуқур билим ва тарбия беришдек масъулият мужассамдир.

Суҳбатдош: Зайниддин МАМАДАЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

«Bektemir temir-beton mahsulotlari» очиқ акциядорлик жамияти

Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонаси акциядорлари диққатига.

ҲУРМАТЛИ АКЦИЯДОРЛАР!

Жамият фаолиятининг 2002 йил якунларига бағишланган акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилиши 2003 йил 12 майда соат 11.00 да жамият биносида ўтказилади.

Умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати 2002 йилнинг 12 апрель ҳолатига кўра тузилган.

Умумий йиғилиш муҳокамасига қуйидаги масалалар киритилган:

1. Жамият молия-хўжалик фаолиятининг 2002 йилдаги якунлари бўйича жамият ижроия органининг ҳисоботи тўғрисида;.
2. Жамиятнинг йиллик ҳисоботи, бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳисоб варағини тасдиқлаш тўғрисида.
3. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти бўйича Тафтиш комиссияси ҳисоботи ва аудитор хулосасини тасдиқлаш тўғрисида.
4. 2002 йил якунлари бўйича жамият эришган соф фойдани тақсимлаш тўғрисида.
5. Жамиятнинг аудиторини тасдиқлаш тўғрисида.
6. Жамият бош директорини тасдиқлаш тўғрисида.
7. Жамиятнинг 2003 йилдаги бизнес-режасини тасдиқлаш тўғрисида.
8. Кузатув Кенгаши аъзоларини қайта сайлаш тўғрисида.

Умумий йиғилиш кун тартибига киритилган масалалар бўйича тайёрланган материаллар билан жамият ижроия органи жойлашган 700033, Тошкент шаҳар, Бектемир тумани, Ж. Останов кўчаси, 8-уйда танишиш мумкин.

Қўшимча маълумотлар учун телефонлар:195-13-98, 192-99-85.

«Bektemir temir-beton mahsulotlari» очиқ акциядорлик жамияти Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонасининг 2002 йилдаги иқтисодий кўрсаткичлари

Бухгалтерия баланси (минг сўм ҳисобида)			Молиявий кўрсаткичлар (минг сўм ҳисобида)	
Кўрсаткичлар номи	Актив	Пассив		
Узоқ муддатли активлар	117540/189774		Маҳсулот сотишдан тушган тушум	307230
Оборот активлари	78441		Асосий ишлаб чиқаришнинг молиявий натижаси	8364
Жами активлар	195981/268215		Умум хўжалик фаолиятининг молиявий натижаси	8937
Узлик маблағининг манбалари		154664/226898	Йиллик соф фойда	1920
Жумладан Устав фонди		70000		
Мажбуриятлар		41317		
Жами пассивлар:		195981/268215		

Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари 2001 йил 28 февралдаги № 00008-сонли лицензияга кўра фаолият юритувчи масъулияти чекланган жамият шаклидаги «YORDAM-AUDTRANZIT» аудиторлик фирмаси томонидан текширувдан ўтказилган.

Жамият акциядорларининг реестри жамиятнинг ўзи томонидан 700033, Тошкент шаҳар, Бектемир тумани, Ж. Останов кўчаси, 8-уйда юритилади. Телефонлар: 195-13-98, 192-99-85.

Ҳикматли сўзлар маъноси

Бўзчи белбоққа ёлчимас, кулол — мўндига

Ўтмишдаги ижтимоий тенгсизлик, ҳақ-ҳуқуқсизлик ҳукм сурган замонларда бевосита моддий бойликлар яратган меҳнаткашлар ўз меҳнатлари самарасидан баҳраманд бўла олмаганларки, бу нарса юқоридаги сингари бир қанча мақолларда ўз аксини топган: «Бўзчи белбоққа ёлчимас, темирчи — тўқага (тўқа — камарнинг тўқаси)»; «Кулол мўндида сув ичар» (мўнди — кўва, кўвача. Унда зиғирёғ сақлардилар, сув ташиб келтирардилар. Аммо мўндининг ўзидан сув ичмасдилар. Мақолда: «Кулол ўзи ясайдиган идиш-товоқларга азбаройи ёлчимаганидан, мўндининг ўзидан сув ичишга мажбур бўлади», дейилмоқчи); «Кулолнинг кулфатини кўр, Тутгани — сопол товоқ»; «Устанинг уйи — чил устун»; «Яхши уста чолдеворда ўлтирар»; «Игна ўз тешигини тиколмайди»; «Игна ҳаммага тўн тикади-ю, ўзи ялангоч»; «Этикдўзнинг этиги йиртиқ, Темирчининг тешаси кемтик»; «Уста пичоққа ёлчимас, Этикдўз — бигизга».

Бўринининг еса ҳам оғзи қон, емаса ҳам оғзи қон

Бўрининг оғзи қаришқир бўлади. Шунинг учун уни «қашқир» деб ҳам атайдилар. Бўри доимо оғзини очиб, қизил тилини осилтириб юргани учун оғзи қондай бўлиб кўринади. Бу — мақолнинг тўғри маъноси. Мажозий маъноси: илгари хиёнат, жиноятлар қилиб, шунинг орқасида ёмон отлиққа чиққан одам кейинчалик бу ҳунарини ташлаган бўлса ҳам, кишилар бирор хиёнат ё жиноятни «сен қилгансан» деб унга тўнкасалар, ноўрин айбланаётган кишининг ўзи айбдор эмаслигини билдирмоқ мақсадида шу мақолни айтади.

Бўлали бола бошидан маълум

Маъноси: «Кишининг улғайганда ҳар ишга лаёқатли, истеъдодли бўлиши болалигиданоқ сезилиб туради», дейилмоқчи. Вар.: «Бўладиган мева гулидан маълум», «Бўлар от тойлигидан белгили», «Арпа — бошдан, ўғлон — ёшдан» (арпанинг серҳосил ё камҳосил бўлиши бош олган пайтиданоқ маълум бўлади), «Қўчқор бўлар қўзининг пешонаси дўнг бўлар, Одам бўлар боланинг этак-енги кенг бўлар», «Қўчқор бўлар қўзининг пешонаси дўнг бўлар, Оқа бўлар йигитнинг пешонаси кенг бўлар», «Одам бўладиган бола олисга қарайди», «Бўладиган боланинг бўркидан маълум, Бўлмайдиган боланинг сўзидан маълум», «Бўлар боланинг қўли чаққон, Бўлмас боланинг уни чаққон» (уни — товуши), «Бўлар бола деҳқон бўлди — Еяри буғдой нон бўлди, Бўлмас бола деҳқон бўлди — Еяри зоғора нон бўлди», «Яхши ёшидан эл бошқарар, Ёмон қариган сайин ёшарар», «Бўлар бола ёшлигидан бошман дер, бўлмас бола ўлгунича ёшман дер», «Бўлар одам ўн бешида бош бўлар, бўлмас одам ўттизида ёш бўлар».

● ФУТБОЛ

Ким финалга чиқаркин?

Осиё чемпионлар лигаси ярим финал баҳсларининг дастлабки учрашувини меҳмонда — Бангкокда «Бек Теро Сасана» жамоаси билан ўтказган пахтакорчилар 1:3 ҳисобида ўйинни бой беришганидан ишқибозлар хабардор. Хўш, қайси жамоа финалга чиқади? Ҳозир барчани шу савол ўйлантирмоқда. Шунинг учун ҳам 22 апрелда Тошкентда бўладиган жавоб учрашувини мухлислар сабрсизлик билан кутмоқда.

Ўтган сешанба куни эса миллий чемпионатимизда иштирок этаётган олий лига жамоалари ўртасида бир учрашув бўлиб ўтди. «Пахтакор» — «Насаф» ўйини турнинг энг қизиқарлиси, дея эътироф этилганди. Шундай ҳам бўлди. Шу ўринда қаршиликларга қарши майдонга тушган пахтакорчилар учун бу учрашувнинг аҳамияти катта эканлигини алоҳида таъкидлаш керак.

Негаки, Таиландда йўл қўйилган хатоларни тузатишнинг айни фурсати, таъбир жоиз бўлса, вақтида «этак»ни йиғиштириб олишга имконият эди. Энди икки оғиз «Пахтакор» — «Насаф» ўйини ҳақида. Шу куни баҳор яна ўз ҳукмини ўтказди. Ёмғир ёғиб, ҳаво совигани билан майдонда қизғин кураш борди. Ҳар икки жамоа футболчилари асосий эътиборни ҳужумга қаратдилар. Биринчи тайм тугашига икки дақиқа қолганда пахтакорчи Гочқули Гочқулиев ҳисобни очди — 1:0.

Ўйиннинг иккинчи бўлими янада шиддатли кечди. «Пахтакор» футболчилари ғалабани мустаҳкамлашга ҳаракат қилган бўлсалар, қаршиликлар вазиятни тенглаштириш учун бор кучларини сарфладилар. Бироқ шу куни омад тошкентликлар томонида бўлди. Учрашув тугашига беш дақиқа қолганда Сервер Жепаров «Насаф» дарвозасига иккинчи тўпни киритди. Ўйин 2:0 ҳисобида «Пахтакор» ғалабаси билан якунланди.

Сешанба куни, яъни 22 апрелда «Пахтакор» ўз майдонида «Бек Теро Сасана» жамоасини қабул қилади. Умид қиламизки, «Пахтакор» ажойиб ўйинлари, чиройли голлари билан миллионлаб футбол ишқибозларини хушнуд этади.

Равшан ШОДИЕВ

● ИНТЕР-СПОРТ

Учрашув бўм-бўш ўйингоҳда бўлади



УЕФАнинг ўйинчилар интизоми бўйича қўмитаси «Евро-2004» халқаро турнирининг саралаш ўйинида иштирок этадиган Грузия ва Россия терма жамоалари учрашувини Тбилисидаги «Локомотив» ўйингоҳида мухлисларсиз ўтказишга қарор қилди. Бундай ўзига хос жазонинг қўлланилишига Грузия — Ирландия учрашувида ишқибозларнинг кўрсатган хурмача қилиқлари сабаб бўлди. 29 март куни ўтказилган мазкур учрашув меҳмонлар фойдасига 2:1 ҳисобида якунланаётганда грузин ишқибозлари ўзларини тутолмай, қўлларига тушган нарсани майдонга улоқтира бошлашди. Хусусан, арақ шишаси сал бўлмаса меҳмонлар дарвозабони Шея Гивенни жароҳат етказиши мумкин эди. Энг ёмони, ярим ҳимоячи Кевин Килбенга улоқтирилган ханжарсимон пичоқ ноҳушлик келтирди. Албатта, бундай тартибсизлик ўйинни бошқараётган ҳакам Киррос Вассараснинг УЕФА идорасига тегишли ахборотнома жўнатишига сабаб бўлди.

Холифилдга кўрсатиб қўймоқчи

Сешанба куни ярим оғир вазндаги жаҳон мутлақ чемпиони ҳамда WBA йўналиши бўйича чемпион номига сазовор бўлган америкалик Рой Жонс ўз унвонини яна бир бор сақлаб қолишга тайёр эканлигини баён қилди. Унинг истаги WBA раҳбариятига етказилди. Жонснинг раҳнамоси Мурод Муҳаммаднинг фикрига қараганда, Рой бу сафар мухлисларга яхши таниш Эвандер Холифилдга қарши рингга чиқмоқчи. Сўзсиз бу ерда гап 10 миллион долларлик мукофот ҳақида бормоқда.



Хабарномаларда баён қилинишича, Жонс бу сафар қандай бўлмасин Холифилдни «пенсия»га равона қилиш ниятида экан. WBA раҳбарияти аввало Жонс рейтинг бўйича биринчи бўлиб турган Виталий Кличко билан учрашмаса бўлмайди, деган мулоҳазада. Эслатамиз, Рой 1 март куни пуэрторикалик боксчи Жон Руис билан жангда ғолиб келиб, WBA чемпиони номини олган эди. Виталий эса ҳозирча инглиз боксчиси Леннокс Льюис билан жанг қилиш умидида юрибди. Демак, украиналик боксчи яқин орада Жонс — Холифилд ёки Льюис — Жонс учрашувлари ғолибига рўбарў бўладиган кўринади.



«Реал»ни доғда қолдириб

Испания чемпионатида Сан-Себастьяннинг «Реал Сосьедад» жамоаси кутилмаганда кучли клублардан саналувчи Мадриднинг «Реал» футболчиларини 4:2 ҳисобида доғда қолдирди. Маҳаллий «Марка» газетасининг ёзишича, учрашувнинг 34-дақиқасидаёқ ҳисоб 4:1 га етган экан. Ваҳоланки, Мадрид жамоаси ўзининг Зидан, Раул, Фигу, Роналдо каби юлдузлари билан майдонга тушган эди. Роналдо битта тўп киритган бўлса, учрашув тугашига 6 дақиқа қолганда Портильонинг дарвозага йўллаган иккинчи жавоб тўпи «Реал»ни ноҳуш ҳолатдан чиқара олмади. Шундай қилиб, «Реал Сосьедад» бу ғалабадан кейин чемпионликка даъвогарлар сафидан жой олди.

«Тафаккур» журнали жамоаси таниқли рассом **Эмиль РЎЗИБОЕВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди, «Хўжалик ва ҳуқуқ» — «Хозяйство и право» журнали жамоалари журналнинг масъул котиби Муталлиб Содиқовга укаси **Абдулла СОДИҚОВ**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Газетанинг навбатдаги сони 22 апрель, сешанба куни чиқади

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA'DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Erkin XOLBOBOYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar
Ikromjon ISMOILOV
Elyor UBAYDULLAYEV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 328

12370 nusxada bosildi

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi —
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA